

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ФЕДЕРАЦИЯЛАР
ТОМОНИДАН АНТИДОПИНГ
СИЁСАТИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ БҮЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

Тошкент – 2025

Федерациялар томонидан антидопинг сиёсатини ишлаб чиқиши бўйича услугбий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 10 бет.

Спортда допингга қарши кураш нафақат адолат ва ҳалол рақобат тамойилларини таъминлайди, балки спортчилар соғлиғини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ҳам хизмат қиласди. WADAнинг 2021 йилда қабул қилинган Халқаро антидопинг кодексида спорт федерацияларининг зиммасидаги мажбуриятлар аниқ белгилаб берилган. Мазкур қўлланма ана шу мажбуриятларни аниқлаш, уларни амалиётга жорий этиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

WADA талаблари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Федерациялар томонидан антидопинг сиёсатини ишлаб чиқишига доир қонунчилик ҳужжатлари	3
Федерацияларнинг вазифалари ва миллий антидопинг агентлиги билан ўзаро ҳамкорлиги.....	4
Федерациялар томонидан ички антидопинг сиёсатини ишлаб чиқиши тартиби.....	6

ФЕДЕРАЦИЯЛАР ТОМОНИДАН АНТИДОПИНГ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун



"Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро
конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь)
ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил
8 майдаги "Маъмурий ислоҳотлар доирасида
Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг
агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-149-сон қарори



ФЕДЕРАЦИЯЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Федерацияларнинг мажбуриятлари:



антидопинг сиёсатини қабул қилиши



таълим ва тестлашда иштирок этиши



UzNADA билан ҳамкорлик қилиши



натижаларни бошқаришда иштирок этиш

(Бутунжаҳон антидопинг агентлиги
Кодексининг 20.3-моддаси)

Федерацияларнинг Миллий антидопинг агентлиги билан ҳамкорлик шакллари



Федерациялар антидопинг фаолиятини UzNADA билан
мувоғиқлаштириши зарур.

Ҳамкорлик йўналишлари:

таълим курслари ва маъruzalар;

тиббий рухсат (TUE);

натижаларни бошқариш;

маълумот алмашинуви ва статистика
юритиш;

норматив **ҳужжатларни тайёрлашда**
иштирок этиш.

ФЕДЕРАЦИЯЛАР ТОМОНИДАН ИЧКИ АНТИДОПИНГ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Федерациялар томонидан ички антидопинг сиёсатини ишлаб чиқиши босқичлари

Биринчи
босқич



Федерация раҳбар органи қарори
билин **сиёсат йўналишларини**
белгилаш

(Федерация ўзининг юқори бошқарув органи (масалан,
президиум, ижроия қўмита) йиғилишида расмий қарор қабул
қилиши лозим. Бу қарор федерацияда допингга қарши
сиёсатнинг расмий равишда мавжудлигини белгилаб беради)

Иккинчи
босқич



Масъул шахс (**координатор**) тайинлаш

(Ҳар бир федерацияда WADA ва UzNADA билан
боғланадиган масъул шахс бўлиши шарт. **Унинг вазифаси**
– антидопинг сиёсатини амалга ошириш, ҳисобот юритиш,
спортчилар ва мутахассисларни хабардор қилиш)

Учинчи
босқич



Ички **норматив ҳужжатларни** ишлаб
чиқиши

Ушбу босқичда **3 турдаги ҳұжжат** тайёрланиши керак:

Сиёсат матни

бу расмий ҳұжжат бўлиб, у **антидопинг сиёсати мазмунни, талаблари ва тартибларини** ўз ичига олади.

Таълим ва тестлаш тартиби

антидопинг бўйича семинарлар, курслар, кимларни қамраб олиши, **тест қандай ташкил этилиши** аниқланади.

Интизом чоралари

Допингга қарши қоидабузарлик ҳолатларига нисбатан қандай **ички чоралар кўрилиши** (масалан, мусобақалардан четлатиш) кўрсатилади.

Тўртинчи босқич

Масъул шахс (**координатор**)ни **UzNADA рўйхатига** киритиш

(Федерацияда тайинланган **масъул шахснинг маълумотлари** UzNADAга расмий тарзда юборилади. Бу уни расмий ҳамкор сифатида тан олинишига хизмат беради)

Бешинчи босқич

Барча спортчилар, мураббий ва тиббиёт ходимларини қамраб олган таълим дастурини ташкил этиш

Мазкур босқичда қуидагилар амалга оширилади:

- ✓ WADAning таълим стандартлари асосида **доимий ўқув семинарлари** ташкил қилинади.
- ✓ Ҳар бир иштирокчига **электрон/ёзма материаллар** тарқатилади, рўйхат юритилади.
- ✓ Федерация ушбу тадбирларни **йиллик режа асосида** UzNADAga тақдим этади.

Олтинчи
босқич



Электрон мониторинг
(ADAMS/UzNADA) базасига кириш ва
юритиш

Спортчилар, тест натижалари, TUE аризалари ва бошқа маълумотлар UzNADA ёки **WADAning ADAMS платформасида** юритилади. Федерация ўз масъул шахси орқали ушбу тизимда иштирок этиши керак.

Масъул шахс (координатор) вазифалари:

- ✓ Антидопинг соҳасида UzNADA билан фаол ҳамкорлик;
- ✓ Таълим курсларини ташкил қилиш;
- ✓ Ҳар чорақда ички мониторинг ва ҳисбот тайёрлаш;
- ✓ Спортчилар ва мутахассислар учун маслаҳат хизматини йўлга қўйиш;
- ✓ Халқаро талаблар янгиланганда – сиёsatни қайта кўриб чиқиш.

Федерацияларнинг ички антидопинг сиёсатида қўйидагилар акс этган бўлиши керак:

Федерациянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Спортчилар ва ходимлар учун таълим
стратегияси

Тестлаш жараёнидаги ҳамкорлик

Тақиқланган моддалар рўйхатига риоя қилиш

TUE бўйича тартиб

Қоидабузарлик ҳолатлари ва жазо чоралари

Апелляция ва шикоят механизми

Ахборот ошкоралиги ва ҳисобдорлик

ҚАЙДЛАР УЧУН
